

АЛИШЕР НАВОИЙ

АФОРИЗМЛАР

ИККИНЧИ НАШРИ

Нашрга тайёрловчи
ҲОДИ ЗАРИФ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1948

Бу тўпламга кирган афоризмлар Навоийнинг „Хамса“, „Маҳбубул қулуб“, „Муншаот“ ва бошқа асарларидан териб олинди. Кўпчилик учун онглашилиши қийин бўлган сўзлар ва жумлалар рақам тартиби билан тўпламнинг охирида изоҳ этилди ва бу ишда 1941-нчи йил нашр этилган Навоий „Афоризмлар“идан қисман фойдаланилди. Ҳозирги ўзбек орфографиясига уймаган ёки ҳозиргидан бошқача талаффуз этилган сўзлар, замонийлаштирмаслик учун, ўзича қолдирилди.

Ҳ. З.

Агар адл йўқ ошқору ниҳон,
Яқин билки, зеру забардур жиҳон.

Шоҳки иши адл ила бун'ёд этар,
Адл, бузуқ мулкни обод этар.

Адл ила олам юзин обод қил,
Халқ ила олам элини шод қил.

Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб, обод қил.¹

Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.²

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшига яхшию ёмонга ёмон.

Коминг учун туз бўлу адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.³

Ўт иши — қовурмоқ,
Ел иши — совурмоқ.

Фосиқдин ҳаё тилама,
Золимдин вафо тилама.

Вале кимсаким зулм анга комдур,
Бу оламда мардуду бадномдур⁴.

Итдин кийикка ва мушукдин
кабутарга шафқат маҳолдур.

Мушукка риюят — кабутарга офатдур,
ва шағал жонибин тутмоқ —
товуқ тухмин қурутмоқдур⁵.

Бўриғаки қўй бўғмоғи пешадур,
Шабон меҳнатидин не андешадур.⁶

Ким бўрилиғ этса қовла они,
Ул ер ити бирла овла они.

Йилон жайб аро солмоқ этма ҳавас
Ким, охир йилондур, бу тасбиҳ эмас.⁷

Йилонни киши тутса саркўфта,
Балодин қилур ўз йўлин рўфта.⁸

Моддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга даф'и фасод.⁹

Сўралдиким — не нимадурким
Фойдаси барча халойиққа етар?
Дедиларким — ёмонларнинг йўқлиги.

Бегонани уй сари ёвутма,
Ўрнингки қизиқдурур, совутма.¹⁰

Мулк аро чунки бўлди амният,
Юзланур мулк элига жам'ият.
Андин-ўқдур ҳунар ҳисоби ҳам,
Фазл ила довиш иктисоби ҳам.¹¹

Адолат қилурнинг таниб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин.¹²

Бир соат ўқ отмоқ савоби била
эллиқ йилги тоатнинг савоби
баробар турур.

Аёлу ватан узра то жони бор —
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.

Элга қўшулгон эш топти.

Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фаҳр этар, одам эмас.

Хўб, йиртиқ тўн била ҳам хўб,
Гул, ямоғлиқ чапони била маҳбуб.¹²

Одами эрсанг демоғил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Яхшироқ бил они улус ораким,
Кўпроқ ўлғай улусға наф' ондин.

Эл ғуссасини сингурмагинг мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.¹⁴

Даврон элининг жисмида ҳам жон
бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа они кўрма асло раво.

Ҳарнеча мазлум сўзи топса тул,
Тули ҳаёт истасанг, ўлма малул.¹⁵

Наф'инг агар халққа бешак эрур,
Билки бу наф' ўзинга кўпрак эру. ✓

Нахлига деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мевау гул бермак иш.¹⁶

Агар наф'дин бўлса махзан йироқ,
Авинг ла'лидин хора кўп яхшироқ.¹⁷

Мол улдурки, эл ондин олса баҳр,
Душман ондин топса, тенгдур нўши
заҳр. ¹⁸

1 Худпараст — бадпараст.¹⁹

Худписанд — нохирадманд.²⁰

Худписанд — иши барча элга
нописанд.

Андинки нафс комидур —
Нафсоният мақомидур.²¹

Киши ўз мадҳин деса,
чин дағи бўлса, нописандур.²²

Айлама ўз ра'йинга кўп э'тиқод.
Му'тамад эл ра'йидин иста кушод.²³

Иzzати ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддин ортуқ дағи марғуб эмас.²⁴

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдин керакдур шикоят санга.

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.²⁵

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.²⁶

Эранлар хизматига кимки умрин
сарф этар, агарчи умри кетар,
аммо жовид умрга етар.²⁷

Ки ҳарким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилик.

Қачон сочса тупроққа бугдой биров,
Йўқ имкони ул, арпа қилғой фаров.

Бу гулшан ичра йўқдир бақо
гулига сабот
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик
била от.²⁸

Яхшилик қила олмасанг,
бори ёмсилик ҳам қилма.

Яхшиликни билмасанг, бори яхшиларга
қўшул.

Яхшилик теграсида уйрула
олмасанг, яхшилар теграсида уйрул.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво.

Ҳар кимгаки эгриликка овоза дурур,
Туз жадда ичра йўлидин озадурур.²⁹

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.³⁰

Не фе'лики келди бировдин ёмон,
Ёмонлик кўрардин анга йўқ омон.

Ҳар кишиким, бировга қозгай чоҳ,
Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

Англагил аҳбоб қадринким,
алар бўлмай ненаф' —
Гар сенга афлок авжи узра
тахти жоҳдур.³¹

Йўқ ҳунари ёлғуз эса юз киши,
Қайда киши сониди ёлғуз киши?

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғиз овучдин ким эшитмиш садо?³²

Ёрсиз эл оҳи гамандуд эрур,
Ёнса ёғоч ёлғуз — иши дуд эрур.³³

Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил эрур бир ситун?³⁴

Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши
душмансиз бўлмайдур.

✓ Зоти душман ва мухолифни дўст дема
ва ўзингга бозий берма ва бозий ема.³⁵

Душман фирибин ема ва
маддоҳ хушомадин чин дема.³⁶

Ким эгри эса тузлуқ эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармойеси ҳам.³⁷

Ўзингга аблаҳу нодонни айлама ҳамроз,
Ки, яхши эрмас эшак дағи
ҳамсабақлиққа.³⁸

Улки хаёли бори фосид дурур,
Борча салоҳ аҳлига ҳосид дурур.³⁹

Фосиқ — бари миллатда нодондур.

✓ Кимгаки, инсоф йўқ — инсон эмас,
Мувсиз атворида жуз нуқсон эмас.⁴⁰

Ким кинавар ўлса, иста ондин қочмоқ,⁴¹
Нечунки зарур дурур ёмондин қочмоқ.

Неким бўлса музир, булғил ҳаросон,⁴²
Ки бўлғай таб'инга мушкуллар осон.

Носихи содиқки эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас иваз.

Нодон пандида ғалат муқаррардур, ва
душман насиҳатида фириб мутасаввар.⁴³

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер, они кўргил ким, не дер.

Дўстлар фикридин ва ʼ душманлар
макридин бепарволиғ жойиз эрмас
ва бу иш надоматдин ўзга натижа
бермас.⁴⁴

Чу душман ўлди қадимий зиёнидин
ҳазар эт, агарчи нутқи равонбахши
жонга роҳат эрур.⁴⁵

Ғофил ўлма назардйн итса адув,
Шам' ўчурганда ел кўрунурму?⁴⁶

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳардам офат сенга.

Яхши эса афв сиёсат чоғи,
Лек керак ишда фаросат доғи.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш била қилма нажанд.⁴⁷

✓ Ёмон била яхши аросида фарқдур,
Икки кеманинг учин тутган фарқдур.

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур.
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек самоннинг дағи бозори бор.

✓ Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

✓ Кимники инсон десанг, инсон эмас —
Шаклда ҳам фе'лда яқсон эмас.⁴⁸

✓ Кимники билай десанг, мақолин онгла,
Аслин десанг онглайин, фиолин онгла.⁴⁹

Фаҳм айла ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.⁵⁰

Қардошинг эмас, улки кўйиб бош сенга
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош
сенга.⁵¹

Ким қилди қатиглиқда вафодош сенга,
Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош сенга.⁵²

Вафосизда ҳаё йўқ, ва
ҳаёсизда вафо йўқ.

Одами бўлса вафо ондин йироқ,
Ит вафо бобида ондин яхшироқ.

Ёрки ойини вафо йўқ анга,
Шам кабидурки зиё йўқ анга.⁵³

Карам — бир жафокашнинг
шиддати юкин кўтармакдур,
ва они ул суубатдин ўткармак.⁵⁴

Карам ва мурувват — ота-онадурлар,
Вафо ва ҳаё — икки ҳамзод фарзанд.

Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб била ҳаё дархўр бил.⁵⁵

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.⁵⁶

Ҳилм—вужуднинг фавоқиҳлиғ боғидур,
Одамилиғ оламининг жавохирлиғ тоғи.⁵⁷

Мулойим такаллум, ваҳшийларни
улфат сари бошқарур.
Фусункор, афсун била йилонни
тўшукдин чиқарур.

Ҳар кимки ачиг бўлди сўзи, анфоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси.⁵⁸

Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур одам аҳли аро аржуманд.⁵⁹

Саховатсиз эр — ёғинсиз абри баҳор.⁶⁰

✓ Мевасиз яғоч ҳамону ўтун ҳамон ва
Ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон.

К

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас ва
руҳсиз баданни киши тирик демас.

Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,
Не топсинким, топилгандур муроди.⁶¹

Инсоният боғининг дилписандроқ
шажари — эҳсондир.⁶²

Саховат — инсоният боғининг
боривар шажаридур, балки
ул шажарнинг ширин самаридур.⁶³

Исроф — саховат эмас, ва
итлофни ма'но аҳли сахо демас.⁶⁴

Мубоҳот учун бермак — худнамолиғ ва
анинғ била ўзин сахий демак —
беҳаёлиғ.⁶⁵

Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин
бир очқа бергани сахий де,
Ўзи емай барини муҳтожга бергани
ахий де.⁶⁶

Десангки, таомим зойи' бўлмагай —
едур ва тиласангки, либосим
эскирмагай — кийдур.

Қил яхшилиғу, демакни дохил қилма.
Миннат била яхшилиқни ботил қилма.

Хом тама' — даҳрда ранжурдур.⁶⁷

Тама'гин — кунда ғамгин.

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ ондинки, биров берса ганж.⁶⁸

Гарчи сиқиқ игна хаққунносдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.⁶⁹

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч,
Беҳки биров миннати бирла кумоч.⁷⁰

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.⁷¹

Қулоққа асра гаронмоя сўзни-ю фикр эт,
Ки дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф
холи 72

Тилинг била кўнгливгни бир тут.

Сўзни кўнгулда пишкормагунча тилга
келтурма, ва ҳарнеким [кўнгулда бор — \
тилга сурма.

Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздин қайт.

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
аммо барча чинни ҳам демак —
оқил иши эмас.

Кўнгул махзанининг қуфли тил ва
ул махзаннинг килидин сўз бил.⁷³

Музҳик эрур маст чу айлар хуруш.
Сўзни тааммул била дер аҳди ҳуш.⁷⁴

Тилга ихтиёрсиз — элга э'тиборсиз.

Оғизға келганни демак, нодоннинг
иши, ва олиға келганни емак,
ҳайвоннинг иши.⁷⁵

Чин сўз — му^отабар,
Яхши сўз — мухтасар.

Неча зарурат аро қолгон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи.

Сўзнинг аснофи бағоят чўқдур,
Ёлгондин ёмонроқ синфи йўқдур.⁷⁶

Оз сўз ҳам ўтрукдур — захри
муҳликдур агарчи миқдори ўксукдур⁷⁷

Чин сўзни ёлгонга чулғама, ва
чин айтаолур тилни ёлгонга булғама,

Ёлгончи киши эмас, ва
ёлгон айтмоқ, эранлар иши эмас.

Ҳар кишининг сўзи ёлгон эса,
Айдама бовар нечаким чин деса.

Ёлгонни чиндек айтучи суҳангар —
кумушни олтун била рўкаш қилғучи
заргар.

Саҳву хато — башарият лозимидур.
Хато ва саҳвин онглаб мутанаббих
бўлган — саодатманд одамдур.⁷⁸

Жоҳилликдин бесаодатлироқ нима бор?

Икки қадам ёнғуча етгач алам, ✓
Са'й қилу илгари қўйғил қадам.⁷⁹

Билмагани сўраб ўрганган — олим
ва орланиб сўрамаган — ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, ва
қатра-қатра йигилиб дар'ё бўлур.

Киши та'лимдин топса малолат,
Топар илм аҳли олинда хижолат.⁸⁰

Оми табибким — эрур шогирди жаллод.
Ул тиф била ва бу захр била ҳалок
қилғучи бедод.⁸¹

Йигитликда йиф илмнинг махзани
Қарилик чоғи харж қилғил ани.⁸²

Илм ўқуб амал қилмағон, кариз қазиб
тухум солмағонга ўхшар.

Улки буюруб ўзи қилмағай, ва ҳеч
кимга фойда ва асар анинг сўзи
қилмағай.

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Ким бўлса ҳунарсиз, иши ўқ ранжи эрур
Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.⁸³

Ишда ошуққон кўп тойилур,
Кўп тойилғон кўп йиқулуру.

{ Ҳаркимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Япроқни ифак қилур, чечак баргини
бол.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Наҳл тарин оғла қуруғон ўтун.⁸⁴

Айлар ишинга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас.⁸⁵

Букунги ишни тонглага қўймаслар.

Барча лаззатни тотдим, офиятдин
чучукроқ шарбат топмадим.⁸⁶

Зарари барча элга ом ўлгай
Ким, таом устига таом ўлгай.⁸⁷

Сидҳат тиласанг, кўп ема,
Иззат тиласанг, кўп дема. ✓

Ким қуёш нурини ниҳон қилди,
Бадрни мис табақ гумон қилди.⁸⁸

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР*

- 1 Силаҳ — аскарлар. Лутф — хуш муомала. Раият — халқ.
- 2 Котиб халққа жабр қилса, унинг қўлини қаламдек кесиш керак.
- 3 Тиланиннга эришиш учун тўғри бўл ва ишни тўғри қил, ёйнинг ўқи агар тўғри бўлмаса, тўғри бормайди.
- 4 Мардуд — ла'нати. Ком — тилак.
- 5 Жониб — томон, тараф.
- 6 Пеша — ҳунар, одат. Шабон — чўпон.
- 7 Жайб — кисса, чўнтак.
- 8 Киши илоннинг бошини янчса, ўз йўлини балодан тозалайди.

* Бу ерда сўзларнинг ишлатилган сатрлардаги ма'но ва мазмунлари берилди.

- 9 Ярага марҳам фойда бермаса фасод-
ни ништар йўқ қилади.
- 10 Ёвутмоқ — яқинлаштирмақ.
- 11 Юртда тинчлик бўлса халқ кўпаяди.
Хунарни эгаллаш учун ҳам, фан ва
билим қозониш учун ҳам юртинг
тинч бўлмоғи лозим.
- 12 Адолат ўрнатмоқчи бўлган киши
душманга қарши халқнинг мудофаа
қуролини кўпайтирсин.
- 13 Ямоғлик чапон—гулни ташкил этган
яфроқчалардан киноя.
- 14 Халққа ғамхўр бўлишни мақсад қи-
либ ол, бу одат блан келажагингни
мақтовларга сазовор эт.
- 15 Мазлумнинг сўзи ҳар қанча узайса
ҳам узоқ умр кўрай десанг, унинг
сўзини оғир олмай тингла.
- 16 Нахл — дарахт.
- 17 Агар хазина (мамлакатга) фойда ет-
қазидан узоқ бўлса, унинг жавоҳир-
ларидан кўра қора тош яхшироқдир.
- 18 Халққа фойдаси тегмай душман фой-

даланадиган мол (бойлик)—ҳаёт учун
заҳар блан тенгдир.

- 19 Ўз манфаатини кўзловчи — ёмонлик қилгучидир.
- 20 Ўзига зеб беручи — манман — ақлсиз одамдир.
- 21 Шахсий манфаатини мақсад қилиб олган киши — адоватнинг ўчогидир.
- 22 Киши ўзини мақтаса, чин бўлса ҳам э'тиборсиздир.
- 23 Ишончли кишиларнинг маслаҳатларидан кушод иста.
- 24 Марғуб — мақбул.
- 25 Идбор — бахтсизлик.
- 26 Жаҳл аҳли — жоҳиллар, нодонлар,
- 27 Кимки умрини етишган билимдонлар хизматига сарф этса, умри кетса ҳам абадий умрга эришади.
- 28 Бу дун'ёда абадий қолиб бўлмайди, аммо кишининг яхшилик оти қолса гўзал саодатдир.
- 29 Ҳаркимки эгрилик блан шуҳрат топган бўлса, тўғри йўлда ҳам йўлдан озади.

- 30 Биревга зарар етказишга одатланган киши, халққагина эмас, ўзига ҳам жабр этади.
- 31- Дўстлар қадрини бил, агар мартабанг кўк қадар юксак бўлса-ю дўстларинг бўлмаса нима фойда.
- 32 Ёлғиз киши дун'ёдан баҳра топмас Ёлғиз ҳовучдан ким эшитмиш садо.
- 33 Дўстсиз киши ғамга чўлғаниб куюди. Ёлғиз ёғоч ёнса тутун бўлади.
- 34 Тоқ кишининг ҳаёти емирилади, чунки ҳеч бир вақт бир устун уйни кўтариб туролмаган.
- 35 Зоти душман ва зид бўлганни дўст дема ва ўзингга панд берма ва алданма.
- 36 Хушсмадгўйнинг мақтовларини чин дема:
- 37 Ким эгри бўлса унинг фазилати ҳам тўғри эмас. Сармойси ва келтирган фойдаси ҳам ўзидек эгри бўлади.
- 38 Ҳамроз — сирдош.
- 39 Ҳаёлининг бари бузуқ бўлган киши,

яхши одамларнинг барчасига ҳасадчи ҳам бўлади.

- 40 Ҳаркимнинг инсофи бўлмаса инсон эмас.
Инсофсизнинг қилиғи камчиликдан бошқа нарса эмас.
- 41 Ким хусуматчи бўлса, ундан қочишга урин.
- 42 Зарарли нарсалардан тортинсанг мушкулларинг осон бўлгай.
- 43 Панд — маслаҳат. Мутасаввар — аниқ, белгили.
- 44 Надомат — пушаймонлиқ.
- 45 Равон бахш — ёқимли.
- 46 Душман кўзга кўринмаса ҳам гофил бўлма. Шам'ни ўчирган ел кўринмайди.
- 47 Кишини улуг мартабага кўтаришга ошиқма ва яна арзимаган иш учун хўрлама.
- 48 Кимники инсон десанг, кўринишида ҳам қилган ишида бирхилда бўлмаса у инсон эмас.

- 49 Фиол — қилиқ, фи'ллар.
- 50 Ҳадис — сўз.
- 51 Давлатли вақтингда ўзини сенга қўлдош қилгани ва бош эккан одам қардош эмас.
- 52 Ҳабиб — дўст.
- 53 Вафо зийнати бўлмаган ёр (дўст) ёруғлиғи бўлмаган шам кабдир.
- 54 Карам бир жафокашнинг оғир юк инни кўтармак ва уни у мушкулликдан қутқармоқдир.
- 55 Билгинки кишига тожу афсар зийнат эмас, у зийнат — кишига муносиб адаб ва ҳаёдир.
- 56 Кишиларнинг шараф эгаси бўлишлари мансаб ва насабдан эмас балки ҳаё ва адабдандир.
- 57 Чидамлилик борлиқнинг мевалик бондир.
- 58 Ҳаркимнинг сўзи, тили аччиғ бўлса унинг суҳбатидан халқ қочад.
- 59 Ҳимматли кишилар халқ орасида ҳурматли бўладилар.
- 60 Абри баҳор — кўклам булут.

- 61 Кимнинг ҳиммат қўли очилган бўлса, муродининг топилгани шу, яна му-
род ишташга ҳожат йўқ.
- 62 Инсоният боғининг энг севимли да-
рахти эҳсондир.
- 63 Сахийлик — инсоният боғининг мева-
лик дарахтидир балки ул дарахтнинг
ширин мевасидир.
- 64 Исроф—сахийлик эмас ва исрофгарчи-
ликни ма'нолик одам сахийлик демас.
- 65 Мақтаниш учун (хайр) бермак — та-
каббурлик ва униг блан ўзини са-
хий демак — ҳаёсизликдир.
- (Ўтмак — нон.
- 66 Ахий — биродар, жигар, дўст.
- 67 Хом тама'— дун'ёда азоб чекучидир.
- 68 Меҳнат чекиб топилган бир дирам
(танга) бировнинг текинга берган
хазинасидан яхшироқдир.
- 69 Агар синиқ игна (нина) бўлса ҳам
халқнинг мулки бўлса, хиёнат қилма,
чунки у, бағрингга олмос ханжар бў-
либ қадалади.
- 70 Бировнинг миннати блан кумоч еган-

дан тинч кўнгил блан қатиқсиз умоч
яхшидир.

71 Дури шаҳвор — қиммат баҳо дур.

72 Қиммат баҳо сўзни қўлогингда тут
ва дурсиз садафнинг қиммати нима
бўларди, фикр эт.

73 Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир
ва у хазинанинг калити сўздир. Я'ни
дилда борини сўз очади демак.

74 Мастнинг хурушга кириб сўзлаганла-
ри кулгуликдир, ҳуш'ёр кишилар
ўйлаб гапирадилар.

75 Олиға — олдига.

76 Сўзнинг тури жуда кўпдир лекин ёл-
ғондан ёмонроқ тури йўқдир.

77 Оз сўз бўлса ҳам ёлғон бўлса, гарчи
миқдори оз бўлса ҳам кишини ҳалок
қилучи заҳар блан тенгдир.

78 Инсон саҳв ва хато қилиши мумкин.
Хато ва саҳвини тушуниб, тузатган
— саодатли одамдир.

79 Алам етганда икки қадам орқага кет-
гунча ҳаракат қилиб, қадамни илга-
ри бос.

- 80 Ўрганишни малол кўрган киши, илм
аҳлининг қошида хижолат тортади.
- 81 Оми табиб—жаллоднинг шогирдидир.
Жаллод тиф блан ўлдирса, оми табиб
заҳар блан ҳалок қилучи элимдир.
- 82 Йигитликда илм хазинасини йиғиб,
қариликда уни харж қил.
- 83 Ҳарким ҳунарсиз бўлса алам чекиб
ўтади, шундайин кимнинг ҳунари бўл-
са, ҳазинага эгадир.!
- 84 Нахл тар — кўкэриб турган дарахт.
- 85 Қиладиган ишинг қўлингдан келса
бир нафас ҳам вақтидан ўткармай қил.
- 86 Офият — соғлиқ, саломатлик.
- 87 Таом устига таом емак, ҳарким учун
ҳам зарардир.
- 88 Қуёш нурини ёпишни истаган одам
ойни мис тоғора гумон қилибди.

На узбекском языке

*

АЛИШЕР НАВОИ

А Ф О Р И З М Ы

*

Госиздат УзССР—Ташкент—1949

Ма'с'ул редактор *И. А. Султонов*

Муқова иши расом *Искандар Икромовичи*

Техредактор *С. Губайдуллин*

Теришга берилди 5II-1948 й. Босишга
рухсат этилди 17III-1948 й. Р 01630. Тиражи
10000. Шартнома № 76-48 й. Қоғоз фор-
мати 70X108|64. Печ. л. 0.5. Уч.-нашриёт
л. 1.0. Бир п. л.-да 40000 белги. Баҳоси
2 с. 50 л.

Тошкент, 1-нчи Сосм хона. 1948. Зак. № 553